

Бухоро давлат университети расмий веб саҳифаси <http://www.buxdu.uz> да  
кўйиладиган

«Дарс жадвали» интерактив хизматининг паспорти

1.	Интерактив хизматни кўрсатувчи муассаса номи	Бухоро давлат университети
2.	Интерактив хизмат номи	Дарс жадвали
3.	Интерактив хизмат натижалари тавсифи	Фойдаланувчи ОТМ академик гуруҳини танлангандан сўнг, унга куйидаги маълумотлар чиқарилади: 1.Ўқув гуруҳи номи, курси, таълим йўналиши; 2.Ўқув гуруҳининг дарс жадвали (хафта куни, пара, фан номи, дарс ўтиладиган аудитория, фан ўқитувчиси ФИОси).
4.	Интерактив хизматдан фойдаланувчилар	Талабалар, профессор-ўқитувчилар, оналар, раҳбарият
5.	Интерактив хизмат фойдаланувчисининг қоғоз кўринишдаги мурожаати	Қабул қилинмайди
6.	Интерактив хизматни кўрсатиш нархлари (хужжатни тайёрлаш ва тақдим этиш), агарда хужжат пулли тарзда тақдим этилса	Бепул
7.	Интерактив хизматни кўрсатиш муддати	Интернет тезлиги 1024 Кб/с бўлганда, ҳар бир йўналиш ҳақида керакли маълумотни олиш учун тахминан 30 сония вақт сарфланади.
8.	Интерактив хизматни тақдим этишда рад этиш учун асос, амалдаги қонунчиликка хавола қилинган ҳолда (мукамал рўйхат)	Давлат хизматини тақдим этишни рад этишда куйидагилар асос бўлиши мумкин: а) интерактив хизмат кўрсатиш дастури ўрнатилган серверда профилактик ишлар ўтказилаётган бўлса; б) академик гуруҳ учун дарс жадвали шакллантириляётган даврда, “Дарс жадвали шакллантириляпти” номли хабар экранга чиқарилади.
9.	Интерактив хизматни тақдим этувчи муассаса жойлашган манзили	Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси 11 уй
10.	Интерактив хизматни кўрсатувчи муассаса иш тартиби, давлат хизматини кўрсатувчи муассасага мурожаат қилиш тартиби	Давлат хизматидан Интернет тармоғи орқали кечаю кундуз фойдаланиш мумкин.
11.	Интерактив хизматни кўрсатишда, талаб ошиб кетса ва навбатсиз тақдим этиш имкониятидан ташқари ҳолларда интерактив хизматини кўрсатишнинг кетма-кетлиги	Интерактив хизмат кўрсатиляётганда, уни амалга оширувчи серверда ҳар бир сўров учун алоҳида сессия яратилади. Сўров бўйича маълумотлар веб саҳифага чиқарилгач, жорий сессия яқунланади. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида сервер имконияти даражасида бир нечта сессия ҳам очилиши мумкин. Натижада интерактив хизматни кўрсатиш вақти бўйича

		регламентдан ошмаган муддатда фойдаланувчига хизмат кўрсатилади.
12.	Интерактив хизматини олиш учун мурожаат қилиш ва уни олиш жараёнида интерактив хизмати фойдаланувчисини ахборот билан таъминлаш	Интерактив хизматдан фойдаланиш бўйича кўлланма БухДУ веб сайтыга жойлаштирилади.
13.	Интерактив хизмат кўрсатилишини бевосита таъминловчи мансабдор шахс	Бухоро давлат университети ўқув ишлар бўйича проректори
14.	Қариялар ва ногиронларга интерактив хизматни кўрсатиш тартиби	Алоҳида тартиб кўзда тутилмаган
15.	Интерактив хизматни кўрсатиш регламентига амал қилинмаганлиги тўғрисидаги шикоятларни киритиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш тартиби	Интерактив хизмат бўйича шикоятлар БухДУ нинг “Электрон қабулхона” интерактив хизмати орқали киритилади.
16.	Юқорида турувчи мансабдор шахс томонидан интерактив хизматини кўрсатилишини назорат қилиш тартиби	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига берилган ушбу интерактив хизмат бўйича мурожаатлар ва олинган натижалар статистикаси ҳақида маълумот берувчи веб-сервис яратиб берилади. Веб-сервис орқали интерактив хизматни назорат қилувчи мансабдор шахс томонидан статистик маълумотларни олишга рухсат берилади.
17.	Интерактив хизматини кўрсатиш механизми	Интерактив хизматни ташкил этишда дарс жадвалини шакллантириш учун масъул ҳар бир факультетнинг ўқув ишлари бўйича диспетчерлари томонидан дарс жадвали маълумотлари шакллантирилади. Жорий дарс жадвали ўқув ишлар бўйича проректор томонидан тасдиқлангандан сўнг, дарс жадвалини киритишга ҳар бир факультетнинг ўқув ишлари бўйича диспетчерлари томонидан интерактив хизмат маълумотлар базасига 2 кун муддатда киритилади. Интерактив давлат хизмати маълумотлар базасини техник таъминоти Бухоро давлат университети ахборот технологиялари маркази ходимлари томонидан бошқарилади. Интерактив хизматда фойдаланувчилар томонидан керакли сўровларини веб саҳифада кўришлари билан биргаликда ўзларига кўчириб ҳам олишлари мумкин бўлади.



18.	Интерактив хизматдан фойдаланиш механизми	<p>Дарс жадвали тўғрисидаги маълумотларни олишда интерактив хизмат кўрсатиш ойнаси орқали қуйидагича тартибда маълумотлар сараланади:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) Бухоро давлат университети факультетлари рўйхатидан тегишли факультет танланади;</li> <li>2) танланган факультетдаги мавжуд таълим йўналишлари рўйхатидан тегишли таълим йўналиши танланади;</li> <li>3) курс ва академик гуруҳ танланади;</li> </ol> <p>Бу сўровлар серверга жўнатилади ва фойдаланувчига натижа қайтарилади.</p>
-----	---	--

Ректор



З.А. Таджиходжаев